# 2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

# Фарғона ҳақиқати

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ

Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган | farhaqiqat.uz | @farhaqiqati | 2021 йил 1 январь, жума | № 1 (24494)




# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

**Муҳтарам ватандошлар!**

Бетакрор диёримизга янги – 2021 йил кириб келмоқда.

Сиз азизларни, мўътабар нуронийларимиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, навқирон ёшларимизни – кўп миллатли бутун халқимизни ушбу гўзал айём билан чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат ва фаровонлик тилайман.

Азиз дўстлар!

Ҳаммамиз гувоҳмиз, 2020 йил бутун дунё қатори юртимиз учун ҳам оғир ва мураккаб келди. Коронавирус пандемияси, глобал инқироз инсониятни жиддий синовдан ўтказмоқда.

Мана шундай мураккаб вазиятга қарамасдан, мард ва олижаноб халқимизнинг матонати, фидокорона меҳнати билан барча соҳаларда катта ўзгаришларни амалга оширдик.

Иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларини ривожлантиришга эришдик. Юқори технологияларга асосланган ўнлаб янги корхоналар, транспорт тизимлари ишга туширилди. Замонавий уй-жойлар, йўл ва кўприклар, боғча ва мактаблар, шифохоналар, маданият ва санъат, спорт масканларини барпо этдик.

Миришкор деҳқон ва фермерларимиз барча қийинчиликларни мардона енгиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун янада кенг имкониятлар очилди. Йил давомида аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар учун минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Ўтиб бораётган йил жамиятимизнинг маънавий-маърифий ҳаётида ҳам муҳим воқеаларга бой бўлди.

Хорижий давлатлар, аввало, яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорликни янада кучайтирдик. Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Қадрли юртдошлар!

Биз кириб келаётган 2021 йилга яхши ният ва катта режалар билан Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили деб ном бердик.

Янги йилда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда бошлаган кенг кўламли ислоҳотларимизни изчил давом эттирамиз.

Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга алоҳида аҳамият берамиз.

Азиз ёшларимиз, меҳнаткаш ва оқила опа-сингилларимиз, муҳтарам кексаларимизнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади. Соғлиқни сақлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалалари янги босқичга кўтарилади.

2021 йилда давлатимиз мустақиллигига 30 йил тўлади. Ушбу шонли санани, иншооллоҳ, барчамиз биргаликда муносиб нишонлаймиз.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, миллий юксалиш пойдеворини яратишга қаратилган улкан ишларимизни қатъий давом эттирамиз.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Шу гўзал оқшомда барчамизнинг ниятимиз, тилагимиз битта:

юртимизда яшаётган ҳар бир оила, ҳар бир инсон мурод-мақсадига етсин!

Жонажон Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин, дунёмиз тинч бўлсин!

Кириб келаётган 2021 йил она диёримизга файзу барака, янги ютуқ ва зафарлар олиб келсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

# “Президент арчаси”

## болажонларга қувонч улашмоқда

**Фарғона шаҳридаги Ислом Каримов номидаги Театр-концерт саройида бўлиб ўтган “Президент арчаси” байрам тадбири болажонларга бир олам қувонч улашди. Карантин талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этилган тадбирга Қўқон ва Марғилон шаҳридаги «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари таклиф этилди.**




Янги йилни барча ўзгача интиқлик билан кутади. Бу байрамда болажонлар қувончига шерик бўлиш, совға-саломлар улашиш яхши одатга айланган.

Вилоятимиздаги «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, ота-она қаровисиз қолган, ота-оналари Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган болалар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари учун 877 дона “Президент совғаси” етказилди. Шаҳар ва туманларда совғаларни топшириш тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Вилоят марказидаги мазкур тадбирда ҳам болажонларнинг қувончи чексиз эканлигини кўриш мумкин.

Вилоят ҳокими ўринбосари Файзулло Қосимов байрам иштирокчиларини Янги йил билан табриклаб, Президент совғаларини болажонларга топширди.

Безатилган арча атрофида Қорбобо ва Қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари иштирокидаги театрлаштирилган томоша намойиш этилди.

— Юртимизда доимо байрамлар бўлишини хоҳлаймиз, — дейди Қўқон шаҳридаги 12-сон «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиси Оқибатхон Олимжонова. — Айниқса, Янги йилни доимо орзиқиб кутамиз. Шеърлар ёдлаймиз, қўшиқлар ижро этамиз. Президентимизнинг совғасини олиш янада шодлик, қувонч бахш этади. Аъло баҳоларда ўқиб, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишишга астойдил интиламан.

Фарғона шаҳридаги Болалар уйи тарбияланувчилар учун Янги йил байрами катта шодиёнага айланди. Болажонларнинг шеър ва қўшиқлари, Қорбобо ва Қорқизнинг табриги бир олам завқу шавқ улашди. Вилоят ҳокимлиги, жамоатчилик вакиллари томонидан Президент совғалари улашилди.

**М. СУЛАЙМОНОВ.**



М. ҚОДИРОВ олган суратлар.



# Меҳр-эътибор кўрсатилди

**Ҳар йили Янги йил байрами арафасида болажонларга Президент совғалари топшириш анъанага айланган.**

Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи тарбияланувчиларига Президент совғаларини топширди.

250 нафардан ортиқ меҳрга муҳтож болалар жамланган масканда тарбияланувчиларга барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Вилоят ҳокими шукуҳли дамларда кичкинтойларни қутлаш борабарида бу ерда сидқидилдан меҳнат қилаётган, уларга ўзгача меҳр, эътибор кўрсатиб, оқ ювиб, оқ тараётган шифокор ва устозларга миннатдорчилик билдирди.

— Синовли дамларда вилоятимиз аҳли ҳар жиҳатдан ҳамжиҳат эканлигини кўрсатди. Бу фазилатлар туфайли пандемиядан азият чеккан аҳоли вакиллари саломатликлари тикланди. Янги йил ҳар бир хонадонга тўкин-сочинлик, бахт олиб келсин, — деди вилоят раҳбари.

Болалар мўъжизалар кутиб яшайди. Безатилган байрам арчаси атрофида Қорбобо ва Қорқиз, севимли эртак ва мультфильм қаҳрамонлари, болажонлар янги йил, янги умид ва мақсадлар ҳақида шеър, куй-қўшиқ, рақслар ижро этдилар.

**Р. КАМОЛОВ.**



Ш. ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

## Фарғона вилояти:

# УЛКАН ЎЗГАРИШ ВА БУНЁДКОРЛИКЛАРДАН КЎНГИЛЛАРГА КЎЧАЁТГАН ОБОДЛИК





### Жараён

“Водий гавҳари” дея таърифланувчи Фарғона вилояти ҳам янгиланишлар оғушида. Кундан-кунга янги манзара касб этаётган ҳудуд тимсолида кўркамлигу улуғворлик мужассам.

Табиати, иқлими сингари дилкушо, меҳмоннавоз қадим диёрнинг асрларни қаритган шаҳару қишлоқлари бетакрор чиройи, ҳусну таровати билан бир-биридан фарқланади.

Фарғона шаҳри, ипакчилар ва ҳунармандлар юрти Марғилон, латиф шаҳар Қўқон, қолаверса, Олтиариқ, Қува, Тошлоқ, Бувайда, Учкўприк, Бешариқ, Сўх туманлари вилоятнинг ўзига хос ташриф қоғозидир.

Инсон ҳамиша нурга, эзгуликка талпинганидек, ободлик ва фаровонлик ҳам бугунидан кўнгли тўқ, ёруғ келажак йўлида дадил олға бораётган мамлакатда янада кенг қулоч ёяди. Бу сўнгги йилларда улкан қурилишлар майдонига айланган Фарғонанинг шаҳар ва қишлоқларининг янгича қиёфа касб этаётганида яққол намоён бўлмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан бу ерда олиб борилаётган улкан ҳажмдаги ишларга каттаю кичик ўзини дахлдор билиб, меҳнат қилмоқда.

→ 2

Муносабат

**Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида Янги Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессансини яратиш борасидаги энг устувор вазифалар қаторида таълим ва тарбияни ривожлантириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани кенг жамоатчилик, айниқса, илм-фан соҳаси вакилларини беҳад қувонтирди.**

**Акмалжон ЎРИНОВ,**
*ФарДУ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, доцент.*



# ЁШ ОЛИМЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

## илм-фанимизнинг эртанги тараққиётини таъминлайди

Мурожаатномада "Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак" дея таъкидланиб, ушбу мақсад йўлида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар баён этилди.

"Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да олий таълимнинг қамрови ва сифатини оширишга доир мулоҳазалар, айниқса, эътиборга моликдир.

Президентимиз бу йилдан бошлаб олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони камида 25 фоизга оширилишини айтиб, бу борада олий ўқув юртларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сони 2 баробарга кўпайтирилиши, аъло баҳоларга ўқиётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этилишини таъкидладилар.

Ҳозирги вақтда олий таълим муассасалари ўртасида билимли ва иқтидорли ёшларни жалб қилиш бўйича рақобатни кучайтириш, нуфузли хорижий университетлар, илмий ва инновацион марказлар билан алоқаларни кучайтириш, улар билан кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришдек зарур вазифалар олдимизга қўйилди.

Мурожаатномада таъкидланганидек, мамлакат тараққиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациялардир. Жорий йилда илм-фан соҳасида олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 4,5 мингтага етказилади.

Ўтган йилда университетда 3 та фан докторлик, 33 та фанлар бўйича фалсафа докторлиги диссертациялари ҳимоя қилинди. Ҳозирда 64 нафар докторантлар, 38 нафар мустақил изланувчилар, 9 нафар стажёр-тадқиқотчилар илмий фаолият олиб боришмоқда. Айтиш мумкинки, ёш олимларимизнинг изланишлари, уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги изчил саъй-ҳаракатларда илм-фанимизнинг эртанги тараққиётини кўриш мумкин.

"Агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштира олсак, кўзлаган марраларга албатта етамиз", деди давлатимиз раҳбари. Бу эзгу иш олийгоҳимизнинг 30 нафардан зиёд фан доктори, профессорлар, 170 нафардан ортиқ фан номзоди, доцентлар томонидан "устоз-шогирд" анъанаси асосида муносиб давом эттирилиб, янада кучайтирилади.

Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ёшларимиз илм-фан ривожи йўлида катта марраларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади.

# СЎЗ ҚУДРАТИ УЛУҒДИР

**Зуҳра АЛИЕВА,**
*"Қува ҳаёти" газетаси бош муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.*



**Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ҳаётимизнинг барча жабҳалари қаторида оммавий ахборот воситалари ходимлари фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, Президентимизнинг "Бундан буён ҳар бир давлат органи ОАВ билан алоқа ўрнатиши лозим " деган сўзлари соҳа ходимларига янада куч бағишлади.**

Дарҳақиқат, ҳамма замонларда ҳам матбуот халқнинг энг ишонган хабарчиси, даъватчиси ва тарғиботчиси бўлиб келган. Айрим ҳолларда матбуот кучи билан ҳаётдаги иллатларга зарба берилиб, ҳатто, баъзи бюрократик кайфиятдаги шахслар ўз вазифасидан озод ҳам этилган.

Сир эмаски, бу ҳолат ҳаммага ҳам бирдай ёқавермайди. Ўз ўрнида журналистларнинг қарашларига, фаолиятига тўсиқ бўлгувчилар ҳам йўқ эмасди. Юртбошимиз масалага жиддий аҳамият қаратиб, қуйидаги фикрларни билдирди:

— Адолатли журналист ва блогерларнинг танқидий чиқишлари эскича қолипда ишлайдиган раҳбарларнинг фаолиятидаги хато-камчиликларни кўрсатиб, уларни иш услубини ўзгартириш ва масъулиятини оширишга мажбур қилмоқда.

Шунингдек, Мурожаатномада келгуси йилда ОАВ ходимлари фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилиши таъкидланди. Бу каби эътибор, шу билан бирга журналистларга билдирилган ишонч соҳа ходимлари зиммасига янада юқори масъулият юклайди.

Бугунги воқеликни ҳаққоний ва шаффоф ёритиш учун ҳар бир журналист жаҳон матбуоти андозаларини тушуниши, шунга муносиб билим ва тажрибага эга бўлиши даркор.

Сўз қудрати улуғдир. Уни билиб, ўз ўрнида қўллаш учун ҳам маҳорат керак. Сўз эркинлиги деган иборани тўғри тушуниш, сўздан заргарона фойдаланиш бугунги журналистга қўйилаётган давр талабидир.

Президент Мурожаатномасидан руҳланган, тўғри хулоса чиқарган ҳолда ҳар биримиз ўз фаолиятимизда янги саҳифалар очишимиз, фикру ўйимизни, қарашларимизни, услубларимизни ислоҳ қилишимиз керак бўлади.

Фарғона вилояти:

# УЛКАН ЎЗГАРИШ ВА БУНЁДКОРЛИКЛАРДАН КЎНГИЛЛАРГА КЎЧАЁТГАН ОБОДЛИК

1

### Эзгу ниятлар рўёби амалга боғлиқ...

Қадимда ота-боболаримиз айни пишиқчилик пайтлари мусофирлар чанқоғини қондириши учун атайлаб кўча эшикларини очиб қўйишар экан. Бугун эса юрт дарвозалари дунё аҳли учун кенг очилди: етти иқлимдан ташриф буюрадиган дўсту қадрдонларимиз бемалол келиб-кетадиган бўлди.

Ҳозирги кунда вилоятда 50 га яқин давлатларнинг нуфузли ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилган. Японияning "JICE" жамғармаси, Корея — Ўзбек бизнес ассоциацияси, Осиё тараққиёт банки, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркиянинг "ГЭБЗЕ" сингари тузилмалари шулар жумласидан.

Қувасой шаҳри Латвиянинг Руйиена шаҳри, Риштон тумани Озарбайжоннинг Исмаилли тумани, Фарғона тумани Қирғизистоннинг Ат-Баши тумани билан биродарлашган. Яқинда Марғилон ҳамда Исроилнинг Рамла шаҳри ўртасида ана шундай битим имзоланиши кутилмоқда.

Бугун вилоятда 15 га яқин олий таълим муассасалари фаолияти ташкил этилган бўлиб, улар орасида Латвия, Жанубий Корея таълим масканлари бор. Вилоятда яқин вақт ичида Туркия, АҚШ олий таълим даргоҳлари филиаллари очилиши режалаштирилган.

Бинобарин, жорий йилда Фарғона шаҳри ЮНЕСКО томонидан дунёнинг илм-фан ривожланган энг яхши шаҳарлари рўйхатига киритилгани бежиз эмас, албатта.

### "Тадбиркорлар уйи": эътибор ва рағбат

Барчамизга яхши аёнки, ташаббус йўқ жойда, тараққиёт бўлмайди. Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров фаолиятининг илк кунларида Фарғона шаҳрида вилоят "Тадбиркорлар уйи", шаҳар-туманларда ҳам шундай масканлар ташкил этилиши ташаббускори бўлди.

Вилоят ҳокими ҳар душанба куни, яъни ҳафталик иш кунини "Тадбиркорлар уйи"да муаммо ва масалаларни ўрганиш, самимий мулоқот билан бошлайди. Ўтган қисқа фурсат мобайнида вилоят, шаҳар-туманлардаги юзма-юз суҳбатлар орқали юзлаб тадбиркорларнинг мушкули осон бўлиб, янги-янги истиқболли лойиҳалар, ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилишига эришилди.

Эътиборлиси, бундай эътибор ва рағбатдан руҳланган пойтахт, қўшни Андижон ва Наманган вилоятларида яшовчи ўнлаб тадбиркорлар Фарғонада ҳам ўз бизнесини йўлга қўйиш мақсадида вилоят ҳокими қабулига келмоқда.

— Тадбиркорни қўллаб-қувватлаш, ташаббусларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш барча бўғиндаги раҳбарларнинг энг устувор вазифасига айланиши зарур, — дейди вилоят раҳбари. — Агар бизнес-лойиҳа истиқболли, аниқ ва пишиқ-пухта бўлса, шахсан ўзим бундай тадбиркорлар билан елкама-елка ишлашга доим тайёрман.

Хайрулло Бозоров вилоятнинг анклав ҳудудлари — Сўх тумани, Фарғона туманининг Шоҳимардон ва Ёрдон қишлоқларидан тортиб, вилоятнинг барча туманларида ўнлаб лойиҳаларни қўллаб-қувватлаб, тадбиркорлар ва корхоналар эгалари фаолиятини янада кенгайтириш, янгиларини ташкил этиш, фаолиятини тўхтатганни қайта тиклашга кўмаклашиш каби жиҳатларга жиддий эътибор қаратмоқда.

### Кўркам уйлар — ободлик белгиси

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Вилоят маркази, шаҳар ва қишлоқлари қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳоли ҳаёт даражаси юксалиб бормоқда. Бунинг ортидан, одамларнинг онгу тафаккурида, дунёқарашида, ҳаётга, меҳнатга муносабатида улкан ўзгаришлар рўй берди. Энг муҳими, улуғвор ва бетакрор иморатлар бунёд этаётган халқимизнинг ғурурига ғурур қўшилди, ҳаётда ўз қадрини билиб яшашга ўрганди.

Йил дастурига кўра, вилоятда 2 258 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши белгиланган. Бугунги кунгача қарийб 700 та уй-жойларда қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами учун 600 та арзон уй қуриляпти.

Замонавий кўп қаватли уйлар қурилиши борасида Фарғона туманида нафақат вилоят, балки республика миқёсида ўзига хос тажриба шаклланди. Айни жараёнда Марғилон ва Қўқон шаҳарлари ҳамда туманларда кўп қаватли уйлар қурилиб, янги мавзелар ташкил этилаётгани вилоятда қурилиш-бунёдкорлик ишлари салмоғи нечоғли улкан эканлигидан далолат.

Фарғона шаҳрининг Мустақиллик мавзесида маҳаллий қурувчилар томонидан иккита 16 қаватли уй қуриб битказилди. Яқин истиқболда мазкур ҳудудда жаҳоннинг энг илғор шаҳарсозлик меъморчилиги анъаналари асосида 20 қаватдан 30 қаватгача бўлган осмонўпар бинолар қурилиши режалаштирилмоқда.

### Ислоҳотлар ташаббускорлари

Президентимиз шу йил 5-6 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида бир қатор эзгу ташаббусларни илгари сурди. Давлатимиз раҳбарининг "Фарғонанинг тадбиркори — ислоҳотлар ташаббускори" бўлиши керак, деган ҳаётбахш ғояси тадбиркорлар ўртасида кенг қулоч ёзди.

Бугун вилоятда 34 420 та кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмида уларнинг улуши 65 фоиздан кўпроқни ташкил этади.

Пандемия шароитида фаолияти бир оз сустлашган 4 144 та тадбиркорлик субъектларига кўмаклашилди. Вақтинча ишини тўхтатишга мажбур бўлган 1 780 та юридик шахслар тўлиқ ўз фаолиятини тиклади. Шу йилнинг тўққиз ойи якунига кўра хизмат кўрсатиш соҳасида 3 173 та кичик корхона ва фирмалар ўз фаолиятини бошлади.

"Қўқон" эркин иқтисодий зонасида 2020-2021 йилларда қиймати 166,1 миллион доллар бўлган 45 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда 4,5 мингта янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Ўз навбатида, шаҳар-туманларда ташкил этилган 26 та кичик саноат зоналарига тадбиркорларни кенг жалб этиш, вилоятда яна 50 та кичик саноат зоналари барпо этиш белгиланди.

Айни пайтда вилоятда қўшма ва хорижий корхоналар сони 460 тадан ортди. Марказий Осиёда ягона рентген аппаратлари ишлаб чиқарувчи "Листем Фергана", цемент ишлаб чиқариш бўйича "Ясин қурилиш", сантехника жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Ekokerama", саноат маҳсулотлари тайёрловчи "Fergana Global textile" сингари корхоналар фаолиятига бу борадаги янги ташаббуслар доирасида асос солингани қувонарлидир.



**РАҚАМЛАР ФАРОВОН ҲАЁТДАН ДАЛОЛАТ**

- Жорий йилда вилоятда **423,4 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК** тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилиши режалаштирилган.
- Шу йилнинг ўн бир ойида вилоятда **506,3 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК** экспорт амалга оширилди. Экспорт ҳажмининг **198,7 МИЛЛИОН ДОЛЛАРИ** қишлоқ хўжалиги, **307,6 МИЛЛИОН ДОЛЛАРИ** саноат маҳсулотларини ташкил этмоқда.
- Айни пайтда вилоятда **653 ТА** экспортёр корхона мавжуд бўлиб, охирги бир йилда уларнинг сони **136 ТАГА** кўпайди.
- Фарғонадан жаҳоннинг **50 ДАН** ортиқ давлатларига экспорт амалга оширилади. Бу йил экспорт географияси Молдова, Перу, Колумбия, Таиланд, Сингапур каби яна **5 ТА** мамлакат ҳисобига кенгайди.
- Экспортни янада кенгайтириш мақсадида **102 ТА** тижорат таклифлари ишлаб чиқилди. Натижада 2020 йил якуни билан экспорт ҳажмини **546,8 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА** етказиш кутиляпти.
- Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича **2 505 ТА** янги лойиҳа шакллантирилди. Бу **75 МИНГДАН ЗИЁД** иш ўринлари яратиш имконини беради.
- Инвестиция дастури асосида жорий йилда **336 ТА** ижтимоий ва инфратузилма объектларида **731,4 МИЛЛИАРД СЎМЛИК** қурилиш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

### Ер билан «тиллашадиган»лар юрти

Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачилик ва ғаллачилик соҳасида ўзига хос тажриба мактаби яратилган. Бу соҳага илмий ва инновацион ғоялар кенг татбиқ этилаётгани, пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти йўлга қўйилгани қисқа фурсатда ўз самарасини кўрсатди.

Шунингдек, вилоятда наслли чорва, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, боғдорчилик ва пиллачилик соҳаларида ҳам янгича ёндашувлар ота-боболардан мерос ҳаётий тажрибани замонавий мезонлар асосида ривожлантириш имконини бермоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш мақсадида иссиқхона ва қуёнчилик хўжаликлари ташкил этилди. Иссиқхоналарда табиий манбалардан омилкорлик билан фойдаланган ҳолда, қишда ҳам аҳолига юқори сифатли сабзавот маҳсулотлари етказиб берилаётир.

Бу йил вилоятда 1 миллион 529 минг тонна мева-сабзавот етиштирилди. Бу, вилоятнинг 3 миллион 842 минг аҳолиси эҳтиёжини тўла қоплайди. Куз-қиш мавсуми захираси учун қуввати 124,3 минг тонналИ 1 188 та омборхоналарга кундалик зарур озиқ-овқат маҳсулотлари жамғарилди.

Вилоятдаги 1 041 та маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи 584 мингдан зиёд томорқа ер эгалари бўйича электрон база яратилди. Ҳозирги кунда қарийб 16 минг аҳоли хонадонларидаги 394,4 гектар томорқа ерида иссиқхоналар мавжуд. Айни жараёнда туманларни деҳқончилик борасида ихтисослаштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Айтайлик, Олтиариқ тумани узум, Қува анор, Фарғона тумани малина, Ёзёвон балиқ, Қувасой шаҳри гилос етиштиришга ихтисослаштирилди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Хуллас, бугун тараққиёт барча соҳада, ҳамма жойда юз бермоқда. Фарғонада ҳам тараққиётдан бегона ҳудуд йўқ. Масалан, илгари олис ва чекка ҳудуд деб ҳисобланган Сўх тумани ёки Шоҳимардон қишлоғидаги шароит ва қулайликлар ҳам бугун ҳавас қилгудек.

Айтайлик, бугун Сўхга келган киши кейинги йилларда бу ерда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилганининг гувоҳи бўлади. Янги иншоотлар, маҳалла гузарлари, таълим муассасалари, мухташам маданият ва спорт саройлари, равон йўллар, боғ ва хиёбонлар барпо этилди.

Олис тоғли ҳудудда жойлашган Шоҳимардон аҳли ҳам кейинги йилларда рўй бераётган янгиланишлардан руҳланиб, янада самарали меҳнат қилмоқда. Ҳудуд, асосан, мева-сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилган. Давлатимиз томонидан тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятлар яратиб берилаётгани қишлоқ аҳолисига қўл келмоқда. Қишлоқда бугун деярли бирор бекорчини учратмайсиз. Ҳамма ўз юмуши билан банд. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари — дўконлар, сартарошхона, суратхона, темирчилик, ҳунармандчилик устахоналари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси, "Гўзаллик салони", хуллас, замонавий ҳаёт кечириш учун нима зарур бўлса, барчаси шу ернинг ўзида муҳайё...

Булар шунчаки оддий факт ва рақамлар эмас. Уларнинг замирида Фарғона вилоятида ҳам дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитлар яратиш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган интилишлар натижаси мужассам.

Энг асосийси, бугун фарғоналикларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, мамлакатимиз тараққиётига дахлдорлигидан мамнунлигини изҳор қилади. Ўзининг келгусидаги мақсад ва режалари ҳақида тўлқинланиб гапиради ва буларнинг барчасини Президентимиз раҳнамолигида халқимиз манфаатини кўзлаб амалга оширилаётган шиддатли ислоҳотлар самараси, деб билади.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**(«Халқ сўзи» газетасининг 2020 йил 24 декабрь сонидан олинди).**

# Саховатнинг савоби улкан

**Янги йил барчага қувонч бахш этадиган қутлуғ байрам. Ана шундай шодиёна арафасида мамлакатимиз бўйлаб хайрли ишлар янада кенг қулоч ёзмоқда. "Вақф" хайрия жамоат фонди томонидан вилоятимиздаги ўн мингдан ортиқ кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Қурбонлик маросимлари ўтказилди.**



Ижтимоий кўмакка муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, уларга саховат кўрсатиш халқимизга хос қадриятлардан ҳисобланади. Зеро, бундай амаллар дилларга эзгулик улашади. Байрам арафасида вилоят ҳокимлиги томонидан саховат тадбирлари ўтказилиб, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган кам таъминланган оилаларга совғалар топширилмоқда.

Фарғона шаҳридаги "Саховат" кекса ва ногиронлар интернат уйида бўлиб ўтган байрам тадбирида бу ерда яшовчи фуқароларга алоҳида эҳтиром кўрсатилди.

Вилоят ҳокими ўринбосари Файзулло Қосимов барчани Янги йил билан қутлаб, байрам совғаларини топширди. "Farg'onaazot" акциядорлик жамияти ҳам бу масканга туҳфаларини тақдим этди. Дастурхон ёзилиб, Янги йил тилаклари билдирилди. Санъаткорларнинг куй-қўшиқлари байрамга файз киритди.

Шу каби тадбирлар барча ҳудудларда давом этмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**



Олий таълим муассасасида

# ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲА ВА ЯНГИ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

**Бугунги кунда жамиятимизнинг барча соҳаларида муҳим аҳамият касб этаётган мехатроника ва робототехника йўналиши ишлаб чиқариш, маиший техносферани ривожлантириш, автоматлаштирилган ва роботлаштирилган интеллектуал тизимларни жорий этишга катта таъсир кўрсатмоқда.**

Фарғона политехника институти мазкур йўналишларнинг малакали ва рақобатбардош кадрларини тарбиялаш борасида халқаро тажриба тўпламоқда. Олийгоҳда "Ўзбекистонда "Мехатроника ва робототехника" бакалавриат таълим йўналишини инновацион ғоялар ва рақамли технологиялар асосида модернизация қилиш" халқаро лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилаётгани бунинг исботидир.

Европанинг "Erasmus+" дастури томонидан молиялаштирилаётган ушбу инновацион лойиҳада институт билан бирга Греция, Латвия, Литва, Португалия сингари давлатларнинг 6 та олий таълим муассасаси, шунингдек, Андижон машинасозлик институти, Тошкент давлат техника университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети филиали, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти илмий жамоатчилиги фаол иштирок этмоқда.

Европа олий таълим муассасаларининг тажрибасидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш ва таълим интеграциясининг янги ҳамкорлик шаклини жорий этиш, Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларида янги "Мехатроника ва робототехника" таълим йўналишларини очиш ва мавжудларини модернизация қилиш, Мехатроника ва робототехника соҳасига оид ўқув дастури, янги авлод ўқув адабиёт ва материалларни чоп этиш ва дастурий таъминотини яратиш, ўқитувчилар малакасини ошириш, янги ўқув лабораторияларини ташкил этиш унинг асосий мақсадларидир.

Ўтган йили олийгоҳимизнинг механика-машинасозлик факультети қошида янги "Мехатроника ва робототехника" таълим йўналиши очилди. Унинг ўқув режалари ва фан дастурлари ишлаб чиқилди. Институт олимлари томонидан иккита ўқув қўлланма, бир нечта илмий мақола ва тезислар чоп эттирилди. Профессор-ўқитувчилар, талаба ва магистрантлар, мустақил тадқиқотчилар, шунингдек, ушбу йўналишларда иш берувчи ташкилотлар учун конференция ва семинарлар ўтказилди. Институт веб-сайтида ҳам халқаро лойиҳага бағишланган янги саҳифа очилди.

2020-2022 йилларга мўлжалланган мазкур истиқболли лойиҳа мехатроника ва работехника йўналишларининг замонавий кадрларини камолга етказишда самарали хизмат қилади.

**Элдор МАЪМУРОВ,**
**Фарғона политехника институти катта ўқитувчиси.**

Ўтганлар ёди



# ТАФАККУРГА ЧОРЛОВЧИ “ТУНДАЛИКЛАР”










**“Кейинги вақтда кексалик, хасталик сабаб, жуда кам уйқу бўлиб қолдим. Уйқу қочганда боши-кети йўқ, узуқ-юлуқ ўй-хаёл қалашиб келавераркан. Шунда тунчироқ остида турган дафтарга баъзи тасодифий фикрларни ёзиб қўядиган бўлдим. Дафтаримни “Тундаликлар” деб атадим. Бу “жанр”нинг “кундалик”дан фарқи шуки, унда хронологик тартибдаги воқеалар бўлмайди. Бу гаплар, бири боғдан, бири тоғдан бўлса ҳам, кимнидир фикри ё саъй-ҳаракатига туртки бўлиши мумкин. Қолаверса, улар муаллифнинг руҳий ҳолатидан дарак, зеро, биз ҳаммамиз маънавий оламга ҳамиша қандайдир бир тарзда улуш қўшиб яшаймиз”.**

**Асқад МУХТОР, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

Асқад Мухтор ҳаётининг сўнгги йилларида яратилган “Тундаликлар”и ёзувчи ижодида, адабиётимиз тарихида юз кўрсатган янги “жанр” сифатида алоҳида ўрин тутади. Одам ва олам, ижодкор ва жамият, ақл ва кўнгил муносабатлари, ижоднинг ўзига хос табиати ҳақида баҳс юритилган мазкур чизгилар дастлаб “Тафаккур” журналида, сўнг “Маънавият” нашриёти томонидан алоҳида китоб ҳолида 2005 йилда чоп этилди.

Ёзувчи “Тундаликлар”ини икки дафтарга ажратган. Биринчи дафтар Замахшарийнинг “Навобиғал калом” асаридаги “Ортиқча сўздан тилни тиёлмаган одамнинг жилови шайтон қўлидадир” деган сўзларини келтириш билан бошланган. Бу эса қайдлардаги қисқалик ва лўндаликнинг сабабини изоҳлашга хизмат қилган.

“Тундаликлар”даги қайдлар ягона, муштарак ғоявий-фалсафий йўналишга эга бўлмаса-да, ўқувчини одам ва олам бағридаги сир-синоат, мўъжизалардан огоҳ этади, теран ўй-хаёлларга чорлайди. Уларда ёзувчининг бедор қалби, уйғоқ тафаккури, туғёнли ва долғали кечинмалари барқ уриб туради.

Китобда ёзувчи яшаб ўтган давр муаммолари, унинг ижодкор қалбидаги оғриқлари яққол намоён бўлади. Масалан, шўро ҳукуматининг бир ёқлама, мафкуравий тазйиқ ва ёлғонларга асосланган сиёсатини Асқад Мухтор мансуб бўлган авлод вакиллари доимо ҳис қилиб яшадилар. Ёзувчи бу ҳақда қуйидагиларни қайд этади: “Сизиф афсонасини биласиз, “абадий харсанг”ни ҳам биласиз. Менинг авлодим ўша харсангни 70 йил давомида “чўққи”да юмалатди. Ичимда нола бор”.

“Тундаликлар”да Шарқ адабиётининг беқиёслигини, унинг Ғарб адабиёти тараққиётига таъсирини ёзувчи алоҳида асослайди: “Биз Шарқ адабиётининг Ғарбга, айниқса, мумтоз шеъриятга таъсири ҳақида қандайдир тор, пароканда бир тарзда фикр юритамиз. Тўғри, кўп номлар, асарлар, қиёслашлар (“Лайли ва Мажнун” – “Ромео ва Жульетта”) бизга маълум: Гюгонинг “Шарқ тароналари”, Ҳётенинг “Шарқ девони”, Байроннинг шарқона достонлари, Адам Минцкевичнинг “Қрим сонетлари”, Пушкиннинг “Қуръондан иқтибос”, “Боғчасарой фаввораси” асарлари, Сергей Есениннинг “Форс тароналари” туркуми, Михаил Лермонтовнинг Кавказ достонлари, Ҳофиз, Саъдий, Фирдавсий, Жомий, Навоий ва бошқа улуғ зотларга кўплаб бағишловлар, тақлидлар... Шарқ даҳосининг сеҳри нимада эканини англаш учун ушбу ҳодисани кенг миқёсда адабий оқим ва усулларнинг ҳаракат жараёнида тадқиқ этиш керак. Шарқ шеърияти – муҳаббат ва меҳр тўла, гўзал ва ҳассос, юксак бадиий рамз ва ташбеҳларга бой, эркин, инсоний, теран фалсафий, анъанавий романтик шеърият. Қадимдан шундай. У асрлар давомида Ғарб адабиётининг романтик руҳини бир неча бор қутқариб қолди”.

Мутафаккир ва даҳоларга хос жиҳатлар ҳақида тўхталаркан, “Даҳолар ўз касблари доирасидан чиқиб кетадилар. Фалончи – шоир, фалончи олим, аммо Навоий – Навоийдир, Эйнштейн — Эйнштейн” дея таъкидлайди. Айрим тарихий шахсларнинг жамият тараққиётидаги муҳим ўрнини чуқур англаган, уларнинг ўзаро учрашувларида қонуният борлиги, оддий туюлган суҳбатларни ҳам авлодларга ибрат бўлувчи унутилмас ҳодисага айланиб қолишини ёзувчи қуйидагича ифодалайди: “Амир Темур Ҳофиз Шерозий билан учрашганда шоирнинг машҳур мисраларини эсга олиб: “Ҳали сенмисан, жононнинг бир холига Самарқанду Бухорони бағишлаб юборган?!” – деб дарғазаб бўлганмиш, деган гаплар юради. Бу – ақлга сиғмайдиган уйдирма. Аслида бу аввалига дўстона ҳазил-мутойибадан бошланган жиддий суҳбат бўлган. Бу ўша шоирнинг дастлабки жавобидан ҳам кўриниб турибди: “Саховат, тақсир, азбаройи сахийлигимиздан шундай юпун бўлиб ўтирибмизда!..” Ваҳоланки, шоир оддий хаттотлик билан кун кўрган.

Ҳофизнинг Амир Темур билан учрашуви бежиз эмасди. Машҳур шерозлик шоир унча-мунча ҳукмдорлар билан учрашавермаган. Ҳатто Бағдод султони Аҳмад Жалойир, Бенгал султони Ғиёсиддин, султон Маҳмуд Баҳманий ва бошқа ҳукмдорларнинг таклифларини рад этган. У буюк лирик шоир бўлиш билан бирга, бевосита ижтимоий мавзуларда фожиа, аламли асарлари билан ҳам машҳур бўлган. Табиийки, шуҳратли шоирнинг бу жиҳати ҳам Соҳибқиронни қизиқтирган. Шунинг учун профессор А.Арберри “Мумтоз форс адабиёти” китобида бундай дейди: “Бу икки буюк шахснинг учрашуви адабиётдагина эмас, тарихда ҳам жуда муҳим воқеа эди”.

Мухтасар қилиб айтганда, Асқад Мухтор “Тундаликлар”ида бадиий-эстетик қарашлар даврнинг долзарб муаммолари билан уйғунликда юз кўрсатиб, асар таъсирчанлигини, жозибадорлигини таъминлаган. “Тундаликлар”дан жой олган ушбу қайдлар фикрларга ўзига хос туртки беради, ўқувчини тафаккурга чорлайди.

Ўтган йили миллий адабиётимиз равнақи учун яшаган ва уни бир неча поғона юксакликка кўтарган ёзувчи таваллудининг юз йиллиги нишонланди. “Тундаликлар” ёзувчининг «Дарёлар туташган жойда», «Опа-сингиллар», «Туғилиш», «Давр менинг тақдиримда», «Чинор», «Бўронларда бордек ҳаловат» сингари ўнлаб асарлари сингари алоҳида қадр касб этаётгани адиб ижодининг халқ қалби билан муштараклигини англатади.

**Акбарали САБИРДИНОВ,**
**филология фанлари доктори.**

Экология



# ДАРАХТ КЕСГАНЛИК учун ЖАРИМА миқдори ОШДИ

**Халқимизда “Бир туп дарахт кессанг, минг туп кўчат ўтқаз” деган пурҳикмат нақл бор. Дарахтларнинг табиат ва инсон ҳаётида қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини барчамиз яхши биламиз. Хусусан, яшил олам шаҳар ҳавосини 2-8 даражагача салқинроқ қилади. Битта дарахт йилига 15 минг литргача сувни тупроқда сақлайди, сояси жонга, меваси танга дармон.**

Она табиатни муҳофаза қилиш мақсадида қабул қилинаётган янги қонун, фармон ва қарорлар жисмоний ва юридик шахсларнинг атроф-муҳитга бўлган муносабатини ўзгартирмоқда, масъулият ҳиссини оширмоқда.

2020 йил 3 декабрь кунги “Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 79-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бу ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, қонунбузилишларни бартараф этиш ҳамда аҳолининг табиатга бўлган муносабатини ўзгартиришга қаратилган.

Янги таҳрирдаги қонунда, дарахт ва буталар, бошқа ўсимлик ва ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга кўчириб ўтказиш фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн баравардан ўн беш бараваргача жарима солишга сабаб бўлиши белгиланди.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашёни ёки Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима тайинлашга сабаб бўлиши белгиланди.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 79-моддасига янги таҳририда 3-қисм қўшимча сифатида киритилди. Унда юридик шахсларга тегишли бўлган ёки ўзларига бириктирилган ҳудудларда дарахтларни муҳофаза қилиш ва сақлашга доир қонунчиликда белгиланган чораларни кўрмаганлик, мансабдор шахсларга ўн баравардан йигирма бараваргача жарима жазоси қўлланилади.

Қонунчиликка киритилган бундай ўзгартиришлар ўсимлик дунёси муҳофазасида ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўзларига бириктирилган ҳудудлардаги дарахт ва буталарни парвариш қилиш, муҳофазаси билан боғлиқ масъулият ҳиссини оширишга хизмат қилади.

**А. АЛИГАВҲАРОВ,**
**вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бўлими бош мутахассиси.**

Сиз кутган учрашув











**Бир пайтлар Фарғона театрида қўйилган «Темир хотин», «Тошкентга саёҳат», «Кампир топайми, дадажон» номли спектакллар халқимизнинг эътирофига сазовор бўлган. Бугун нега театр жамоалари томонидан ана шундай саҳна асарлари кам яратиляпти? Нега театр ўриндиқларининг кўпи бўш?**

## Муҳаммадсоли ЮСУПОВ:

# Актёр санъатдаги ўзини эмас, ўзидаги санъатни севиши керак

**Ўзбекистон халқ артисти, «Эътироф» миллий мукофоти лауреати Муҳаммадсоли Юсупов билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.**

**— Устоз санъаткорлар орасида “Театрнинг чангини ютмаган актёр санъатнинг моҳиятига етолмайди” деган ибора бор. Сизнинг тақдирингизда театрнинг ўрни қандай?**

— Болалигимдан санъатга қизиққанман. Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти)ни тамомлаб, шу олийгоҳда ёшларга актёрлик маҳоратидан сабоқ бердим. Ҳарбий хизматдан қайтгач, менга институт раҳбари «Бу ерда ишлашингиз яхши, лекин театр чангини ютмай, ҳис этмай туриб ёшларга сабоқ бериш, намуна бўлиш ҳақиқатга тўғри келадими? Бир ўйлаб кўринг, сиз учун эшигимиз ҳамиша очиқ», деди. Устознинг таклифида жон бор эди. Ўша пайтда жуда машҳур бўлган Ўзбекистон халқ артисти Баҳтиёр Ихтиёров раҳбарлигидаги «Ёш гвардия» театрида ишлашни мақсад қилиб, Фарғонадаги яқинларим олдига келдим.

Йўл-йўлакай устозлар, ҳамкасбларни йўқлаш мақсадида Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги вилоят театрига кирдим. Бу ерда устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Зуннун Мадалиев мендан ҳеч нарсани сўрамай, тўғри театр директори олдига бошлаб кирди. Бир зумда ишга кирдим, уй-жой бериладиган бўлди. Чунки пойтахтда тўққиз йил яшаган бўлсам-да, уй-жой масаласи ҳал этилмай келаётган эди.

Вилоят театрида ишлаб ўзимизга хос бўлган саҳна асарлар, образлар яратиб, кўпнинг эътиборини қозондим. Айниқса, «Темир хотин» спектаклида Қўчқор, «Тошкентга саёҳат»да Асанбой, «Амир Темур ва Тўхтамишхон» спектаклида Тўхтамишхон роли мени жуда ҳам машҳур қилди. Бир неча бор нуфузли миллий ва халқаро танловлар ғолиби бўлдик. Бу ютуқлар ўз-ўзидан келиб қолгани йўқ. Ҳамма бир мақсад йўлида изланди, ижод қилди.

**— Театрда бош режиссёр сифатида узоқ йиллар ишлаб, кўплаб саҳна асарларини яратгансиз. Бугун томошабиннинг диди, талаби билан театрларда саҳналаштирилаётган асарлар бир-бирига қанчалик мутаносиб?**

— Театр бу томошахона, халқнинг кўнглини ёзадиган, эзгуликка бошлайдиган жойдир. Охирги йилларда театрларда маълум бир мавзунинг ортидан қувиш авж олди. Мисол учун алломаларнинг таваллуд саналари арафасида уларнинг ҳаёти акс этган, қуруқ асарлар саҳнага чиқа бошлади. Мен буюкларнинг ҳаёти саҳнага олиб чиқилишини қўллаб-қувватлайман, фақат тарих бадият, ижодий ёндошув билан уйғун бўлса. Фикримча, ана шунда спектаклнинг томошавийлиги юқори бўлади.

Асарнинг қадр-қиммати кўпроқ режиссёрга боғлиқ. Унинг дунёқараши, ўзигагина хос ғоялари спектаклга маънавий безак беради. Спектакль ҳақида театрнинг адабий эмакдошлари, режиссёри, мутасадди раҳбарлари томошабинлар билан доимий мулоқотлар уюштириши керак. Бу мулоқотлар оммавий ахборот воситалари орқали бўлса, нур устига. Ҳар бир асар яратилгандан сўнг у ҳақда салбий ёки ижобий фикрлар берилса, асар бойиб, актёрлар чархланади.

**— Халқимиз сизни «Қўчқор ака» образи орқали яхши танийди. Одамлар орасида театрдан кетганингиз ҳақида турли “миш-миш”лар тарқалди. Халқимизнинг севимли актёри нима учун театрни тарк этди?**

— Қонуний жиҳатдан олсак, шартномам 2018 йилда тугади. Бошқа томондан қарасак, театрдаги носоғлом муҳит сабаб бўлди. У ердаги шахсий муносабатни ишга кўчиши, ичиқоралик, фитналардан ранжидим. Тўғри, ижод тортишувлар, мушоҳадалар, муросасизликлардан иборат. Агар у санъат ривожига, эзгуликка хизмат қилса. Шундай вазиятда саломатлигим учун ҳам у ердан кетиш керак, деб ҳисобладим.

Вилоят ҳокими томонидан театрнинг аввалги биносига қайтарилаётгани улуғ иш бўлди. Чунки театр саҳнаси ва концерт саҳнасининг осмон билан ерча фарқи бор. Театрнинг қурилишидан тортиб ёритилишигача ўзига хос хусусиятларга эга.

**— Бир неча йил олдин “Ўзбекистон овози” газетасида чоп этилган суҳбатингизда “Орзуим Алишер Навоий образини яратиш”, деган эдингиз. Ўша орзуингиз амалга ошдими?**

— Ҳозирча амалга ошгани йўқ. Насиб этса, Навоий ҳазратларини фақатгина вазир, дўст, шоир сифатида эмас, у инсоннинг дину диёнати, тасаввуф илми валийси эканлигини акс эттирувчи асар билан юзма-юз келсам, албатта бу образни саҳнада гавдалантириш ниятидаман.

**— Театр, аввало, ижодкорлар, ижодий ҳамкорлар уйи. Саҳна асари истеъдодларнинг бирлашишидан ҳосил бўлади. Лекин, илгари саҳна асарлари пойтахт, ҳатто, бошқа мамлакатлар мухлислари ҳузурида обрў топган вилоят мусиқали драма театри қачон ўша мақомга қайтади?**

— Театр бу жамоавий соҳа. Ижодкорларнинг бирлаштирувчи йўлбошчи бу албатта режиссёр. Вилоят театри ижодий гуруҳи актёрларини таъқиб этишни тўхтатса, ижодкорлар ўртасида ҳамфикрлилик, ижодий ва ижобий тортишувлар бўлса, вилоят театри ўз мақомини тиклайди.

Театрга бадиий раҳбарнинг таъсири катта. Энди бир неча ўн йиллар олдинги асарлар билан эмас, янги саҳналаштирилган асарлар билан мақтанадиган пайт келди.

Тўғриси, вилоят театрининг бугунги ҳолати жуда қувонарли эмас, рейтинги анча тушиб кетди. Театр остонасига қадам қўйган киши ҳаётда учраб турган ҳар қандай гина-кудурат, ғаразларни унутиши зарур. Қалби тоза бўлган одамгина элга манзур бўлгулик асар, образларни ярата олади.

Театрда саҳналаштирилган ҳар бир спектакль тарғибот-ташвиқотга муҳтож. Ўйлаб кўринг, оддий афишаси бўлмаган театрни ким танийди? Ким унинг фаолият кўламини тарғиб этади? Ҳозирда отахон театрда кўпга манзур бўладиган асарлар яратилмаяпти. Лекин уларнинг тарғиботи ҳам керакда! Бир хил қолипда, ҳаёт тарзимизда кунора учраб турган турмуш ташвишлари, муаммолар орқали томошабин меҳрини қозониб бўлмайди. Бугунги томошабинга янгича қараш, тафаккур, фикрлашга ундовчи саҳна, кино асарлари керак. Бунинг учун имконият, шарт-шароитлар етарли, фақат изланиш, ижодий ҳамжиҳатлик, рақобат бўлиши муҳим. Бу фикрларни вилоят театрида ишламаётганим, кимнидир айбдор қилиш учун айтаётганим йўқ. Бу барча санъаткор, театр ва кино соҳасида ижод қилаётган кишиларни қийнаб келаётган масаладир. Чунки одамлар театрга маънавий озуқа олиш учун келади. Театр ўриндиқларини кимларнидир аралашуви асосида мажбуран тўлдириш керак эмас.

**— Иккита эпизод роль ўйнаган ёш актёр ҳам телевидениега чиқиб “Биз, санъаткорлар” дея урғу бериб гапиради. Умуман актёр маънавияти деганда нимани тушунасиз?**

— Актёр бу ижод одами. Манманлик, кибр эса истеъдодни илдизидан қуритувчи касалликдир. Ёшларни аввал тарбиялаш, унинг хулқида рўй бераётган ўзгаришларнинг сабабини топиш, даволашга кўмаклашиш керак. Натижа бўлмаса, одамзот яра чиқса, тез ундан қутилишга ҳаракат қилгани каби, театрнинг организмини ҳам бундай иллатли кишилардан халос этиш лозим. Саҳна усталарининг сўзи билан айтганда, ижодкор санъатдаги ўзини эмас, ўзидаги санъатни севса, санъати ҳам, ўзи ҳам камол топади.

**— Ижодкор ҳеч қачон тинч ўтира олмайди. Бугун қандай ишлар билан машғулсиз?**

— Ўтган йил мен учун жуда катта йўқотишлар йили бўлди. Фарзандим Сарвар Юсупов 36 ёшда кутилмаганда оламдан ўтди. У 30 дан ортиқ спектакль, симфониялар, композициялар муаллифи эди. Бу воқеа ичимни адо қилди...

Ижодий томондан эса пандемия шароитида ҳам муваффақиятлар йили бўлди. Бир неча киноларда роль ижро этдим. Яқиндагина “Мош” номли қисқа метражли фильмда отахон ролида суратга тушдим. Бу фильмда инсоннинг оиласига, фарзандларига бўлган муносабати мушук образи орқали жуда самимий, чиройли тарзда очиб берилган. Айни пайтда Фарғона ихтисослаштирилган санъат мактабида ёш авлодга соҳа сирларидан сабоқ беряпман.

**— Сизни соғинганларга меҳр тўла тилакларингиз.**

—Янги йил бошида қўлларимизни дуога, қалбимизни эзгуликларга очиб турибмиз. Илоҳим, бу йил яхшиликлари билан янада гўзал бўлсин.

**Дилшода ЭРГАШЕВА**
**суҳбатлашди.**

Фарғона давлат университети ҳамда филология факультети жамоалари тилшунослик кафедраси доценти Наргиза Умаровага отаси **РУСТАМЖОН ҲОЖИ ОТА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Сўз — ЁШЛАРГА

# ҲАР БИР РАНГДА СИРЛАР ЯШИРИН

**Дунёнинг гўзаллиги, ундаги воқеликлар, турфа ранглар мени ҳамиша ўзига ром этган. Рассомчилик йўналишидаги барча изланишларим, хусусан, яратган асарларимда инсон ва табиат, борлиқнинг бетакрор мўъжизаларини ифода этишга интиламан.**

2007 йилда “Келажак овози” республика танловида ғолиб бўлиб, Фарғона давлат университетига имтиёзли қабул қилиндим. Юртимиздаги олий ўқув юртларининг ижодкор талабалари ўртасида ўтказилган кўргазма ва фестивалларда совриндор бўлдим. Ижодий ишларим Туркия давлатининг “Арт” санъат музейи, шунингдек, Ангрен тарихий музейида сақланмоқда.

Талабалик йилларимда Акмал Нуриддинов, Файзулло Аҳмадалиев сингари таниқли рассомларнинг маҳорат мактабини ўтадим. Улар ҳар доим менга “Ҳар қандай тасвирий санъат асарининг қадри уни ўраб турган қимматбаҳо рамкаларда эмас, унда ижодкор юрагининг акс этиб туриши, туйғунинг ифодасида”, дея сабоқ беришган. Устозим, Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқали Қозоқовнинг “устоз-шогирд” анъанаси ҳам мен учун ибрат мактаби. Унинг тимсолида нафақат моҳир рассом, балки ўз истеъдодини шогирдларига ҳам юқтира оладиган, уларнинг камоли учун бор меҳнатини аямайдиган фидойи инсон тимсолини кўраман.

Шукурки, бугун мен ҳам устозлар сафидаман. Мусиқа ва санъат мактабида ёш рассомларга санъат сирларини ўргатяпман. Фаолиятим давомида болаларча шавқ ва ҳаяжон билан қўлига мўйқалам ушлаётган, чизаётган расмининг ҳар бир деталига меҳрини жо қилиб келаётган ука-сингилларимиз жуда кўплигига гувоҳ бўляпман. Мусиқа ва санъат мактабимизнинг Муҳаммадрасул Маликжонов, Аҳмаджон Мухторов, Чаросой Ҳабибуллаева, Мафтуна Ҳожимуҳаммедова сингари ўнлаб ўқувчилари вилоят ва республика кўрик-танловлари, кўргазмаларида ғолиб бўлишган.

Ҳозирда Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида “Сеҳрли мўйқалам” номли клуб ташкил этиб, соҳага қизиқувчи ёшларга маҳорат дарслари ўтиб келмоқдаман. Клуб аъзолари ўртасида ўтказилаётган танловлар ҳам уларнинг истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қиляпти. Фарғоналик ўғил-қизлар, дўстларимиз орасидан ҳам тасвирий санъатнинг етук усталари етишиб чиқишини орзу қиламан. Ана шу эзгу ишга заррача улуш қўша олсам, кўзлаган мақсадим шу.

Тасвирий санъатни ҳаёт ва ижод йўлим деб танлаган кунимдан бошлаб, устоз-шоирлардан қолган ушбу ўтли сўзлар ҳамиша хаёлимда чарх уради:

**“Ҳар бир рангда садоқат бордир,**
**Ҳар бир рангда сирлар яширин”.**

Зотан, ранглар мўъжизасини тўғри англаб, уни ижодига кўчира олган мусаввиргина барҳаёт асарлар ярата олади.

**Ғиёсжон БОЛТАЕВ,**
**Фарғона шаҳридаги 1-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби тасвирий ва амалий санъат йўналиши ўқитувчиси.**

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ
БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

**Халқимизни тинч-осойишта ва фаровон яшаши ҳамда юртимизнинг равнақ-ривожи йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган Фарғона аҳли, барча ҳамюртларимизни**

**2021 ЙИЛ –**
**ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ**
**ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ**
**МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ**

**билан самимий муборакбод этади!**

Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида инсон манфаати, қадр-қиммати улуғланиб, юртимиздаги ҳар бир оила ва инсон эртага, узоқ келажакда эмас, балки бугун бахтли яшаши учун изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги эзгу ташаббусларда Фарғона вилояти касаба уюшмалари ташкилотларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан беҳад фахрланамиз.

Бир олам орзу-умидлар билан кутиб олган Янги йилимиз “Инсонга наф келтириб яшаш – олий бахт” деган эзгу тамойилни тўлиқ рўёбга чиқаришда улкан зафарлар, омад ва қувончлар йили бўлиб қолишига тилакдошмиз.

**Данғара туманидаги**
**“TECHNO WORLD-2»**
**масъулияти чекланган жамияти**

**жаннатмакон Ўзбекистон, вилоятимиз аҳлини ва барча данғараликларни Янги йил билан қизғин муборакбод этади.**

**Янги йил муҳтарам Президентимиз томонидан “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб номланганлиги, тадбиркорларга ҳар томонлама қулай шароит яратиш кераклиги ҳақидаги кўрсатмалари жамоамизни жуда қувонтирди. Жамиятимиз аъзоларининг кўпчилигини тадбиркорлик билан шуғулланишга аҳд қилган ёшлар ташкил этади. Улар Янги йилда янги марраларни кўзлаб меҳнат қилишга киришдилар. Янги йилингиз омадли ва баракали бўлсин, фидойи тадбиркорлар!**

**“ҚЎҚОН МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ”**
**ЖАМОАСИ**
**юртдошларимизни 2021 йил билан қизғин табриклайди.**

**Мамлакатимизда бошқа соҳалар каби темир йўл транспортини замон талаблари асосида ривожлантириш, аҳолига ҳар томонлама қулай шароит яратиш масалаларига жиддий эътибор берилмоқда. Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам Янги йилда халқимизга хизмат кўрсатиш йўналишлари ва даражаси кескин юксалтирилиши таъкидлаб ўтилди.**

**Темирйўлчилар бу соҳадаги фармон, қарор ва кўрсатмаларни изчил амалга ошириши учун барча имкониятларни ишга соладилар.**

**Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз ватандошлар!**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| МУАССИС: ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ | Бош муҳаррир: Муҳаммаджон ОБИДОВ | Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. | *Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «Б» уй.* | Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй. Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24. |
| Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти www.fargona.uz | Газетадан материал кўчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. | Газета таҳририятига юборилган қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди. | *Босишга топшириш вақти: 19.00. Топширилди: 19.00.* Буюртма: 2 Индекс: 7521 Адади: 10395 | Саҳифаловчи Алишер Розиқов. ISSN: 2010-8370 |

*Газета чоршанба ва шанба кунлари чиқади.* ■ Баҳоси келишилган нархда. ■ Навбатчи муҳаррир Маъсуджон Сулаймонов. ■ *Газета сифати учун босмахона масъул.*